
#Долзарб_40_кунлик Марғилон шаҳрида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳудудларга 100 мингдан зиёд турли мевали ва манзарали дарахтлар экилди.

Дастур доирасида ташкил этилган тадбирда шаҳар ҳоқими Муҳтарам Президентимиз ташаббуслари билан ўтказилаётган “Долзарб 40 кунлик” Марғилон шаҳрида ҳам кўтаринки руҳда ўтказилаётганлигини алоҳида эътироф этди.

Ушбу хайрли ташаббусга бугун шаҳардаги барча корхона ва ташкилотлар раҳбар ва ходимлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Хиёбонлар, кўча ва маҳалла ҳудудлари турли чиқиндилардан тозаланиб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

2021-11-15 11:20:47